

# АКАДЕМИК АБДУКАРИМОВ ДИАМАТ ТУХТАЕВИЧ

## 85 ёшни қаршилаб

Абдукаримов Диамат Тухтаевич  
1934 йилда Самарқанд шаҳрида  
зиёли оиласида туғилган,  
олий маълумотли, миллати  
ўзбек. Мукофотланган,  
2002 й “Шухрат” медали  
2018й. Эл юрт ҳурмати ордени

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор, Эл юрт ҳурмати ордени, Академик Диамат Тухтаевич Абдукаримовнинг таваллуд топганларига 85 йил бўлмоқда.

Улуғ устознинг умумий меҳнат стажи 70 йил, илмий педагогик стажи 63 йил бўлмоқда ва 50 йилдан зиёд институтда генетика, селекция ва уруғчилик фанларидан талабалар ва магистрантларга таълим бериб келмоқда. Номзодлик диссертацияси “Выделение сортов и гибридов картофеля для Зарафшанской долины” мавзусида 1963 йил, 1971 йили “Особенности культуре картофеля в Зарафшанской долине” мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаган ва 1973 йил профессорлик илмий унвони тасдиқланган. 1979 йил Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, 1991 йилда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик фанлар академиясининг мухбир аъзолигига сайланган. 1988 йил Давлат ихтироси (Изобретатель) унвонига сазовор бўлган, олий таълим аълочиси (24.12.1996 й), МАНЭБ (международная академия наук экологии и безопасности жизнедеятельности) академиклигига сайланган, 1997 й диплом № 01876.

Илмий тадқиқот ишлари картошка, бошоқли дон, мойл экинлар селекцияси, уруғчилиги ва ўстириш технологияларига бағишланган бўлиб 300 дан ортиқ илмий мақолалар, 13 та дарслик, монография ва уқув қулланмалари чоп этилган. “Тамакичилик”, Тошкент “Меҳнат” 1985 йил, 176 бет, “Ранний картофель”, Тошкент “Меҳнат” 1987 йил, 92 бет, “Дехқончилик асослари ва ем хашак етиштириш” Тошкент “Меҳнат” 1987 йил, 388 бет, Селекция ва уруғчилик практикumi, Самарқанд, 1993 йил, 41 бет, “Озиқа етиштириш”, Самарқанд, 1995 йил, 220 бет, “Сабзавот экинлари селекцияси ва уруғчилиги практикumi”, Тошкент, 2001 йил “Дала экинлари селекцияси, уруғлиги ва генетика асослари”, Тошкент “Меҳнат”, 1989 йил, 307 бет, “Қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси ва уруғчилиги”, экинлар селекцияси, Тошкент 2007 йил, 484 бет, Селекция ва уруғчилик фанидан практикum Самарқанд 2009 йил, 135 бет, “Практикum по селекции” семеноводству сельскохозяйственных культур. Самарқанд 2009 йил, 122 бет, “Дала экинлари хусусий селекцияси”, “ Дала экинлари селекцияси ва уруғчилиги” Тошкент 2013 йил, “Вўза селекцияси ва уруғчилиги” Тошкент 2015 йил ва 2019 йилда “Умумий селекция” фанидан дарсликнинг электрон варианты тайёрланди

Д.Т.Абдукаримов қишлоқ хўжалик экинларининг янги навларини ўзи ва шогирдлари билан ҳаммуаллифликда яратганлиги учун 14 муаллифлик гувоҳномасига эга, картошканинг Зарафшон, Бахро-30, Қувонч, Ҳамкор-1150, Сурхон -1, Буғдойнинг Шердор, Улуғбек - 600, Арпанинг Темур, Афрасиёб, тарвузнинг Деҳқон ва Фермер. Кунгабоқарнинг СамҚХИ 20-80 нави ва Машъал F<sub>1</sub> дурагайи, Топинамбурнинг Эътироф нави Давлат реестрига киритилиб экишга тавсия этилган.

Ўзбекистонда селекция, уруғчилик ва картошкачилик бўйича катта илмий мактаб яратилган, 25 дан ортиқ фан номзодлари ва 7 та фан докторлари тайёрланган. Булардан Хушвақтов С.Х.-профессор, Остонақулов Т.Э.-профессор, Ботиров Х.Ф.- профессор, Ходжақулов Т.Х.-профессор, Эргашев И.Т.-профессор, Элмуродов А.А. фан доктори, Абдурахимов М.К.-фан доктори, Нарзиева С.Х.-доцент, Луков М.К.-доцент. Комилова М. доцент ва бошқалар фаол хизмат қилмоқдалар. Д.Т.Абдукаримов раҳбарлигида 2009 йилдан ҳозирги пайтгача илмий лойиҳа ишларига раҳбарлик қилиб келмоқда. Бу илмий амалий лойиҳа ишларида мустақил тадқиқотчилар ва талабалар жалб қилинган.

Абдукаримов Д.Т. 1973-1982 йиллар илмий тадқиқот ишлари бўйича проректор, 1982-1998 йиллар институт ректори лавозимида фаолият кўрсатган даврда юқори малакали мутахассислар, илмий, илмий-педагогик кадрлар тайёрлашга қўшган ҳиссаси салмоқлидир. Институтга раҳбарлик қилган йиллари 30 дан ортиқ фан докторлари, 200 га яқин фан номзодлари тайёрланди, аспирантура ва докторантура соҳасида янги ихтисосликлар очилди, моддий – техник техника базаси мустаҳкамланди, қатор ўқув бинолари ва ётоқхоналар қурилди.Бакалавриатуранинг мева-сабзавотчилик ва узумчилик, селекция ва уруғчилик, агрохимё ва агротупроқшунослик, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва уларни дастлабки қайта ишлаш технологияси каби янги йўналишлар очилди.

1975 йилдан 2009 йилгача узлуксиз институт қошидаги “06.01.09.-Ўсимликшунослик” ихтисослиги бўйича докторлик илмий даражаларини бериш бўйича ихтисослашган Кенгаш раиси, Тошкент Давлат аграр университети қошидаги ихтисослашган Кенгаш аъзоси, 1973 йилдан ҳозиргача институт Кенгаши аъзоси, жумладан 25 йил давомида кенгаш раиси ва раис муовини, институт аттестация ва услубий кенгаш аъзосидир.

Сўнгги йилларда Д.Т.Абдукаримов томонидан “Дала экинлари хусусий селекцияси”, номли (484 бетли), “Донли экинлар селекцияси ва уруғчилиги” номли (450 бетли), Ғўза селекцияси ва уруғчилиги(340 бетли)номли дарсликлари чоп этилди ва селекция ва уруғчилик фанидан практикum ўзбек ва рус тилларда чоп этирилди.ё

Диамат Тўхтаевич ҳозирда ҳам институт, шаҳар ва вилоят бўйича қишлоқ хўжалиги, жамоатчилик ишлари, амалиётга ёрдам кўрсатиш ва вилоят Нурунийлар жамғармасида катта жамоатчилик ишларини фаоллик билан олиб бормоқда.

**Айниқса** Ўзбекистон Республикасининг президенти Ш.Мирзиёев мамлакатимизнинг етакчи илм фан намоёндалари билан учрашувида белгиланган

вазифаларни бажаришда Ўзбекистон фанлар академияси академиклари, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш марказининг академиклари ва мухбир аъзолари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирларини белгилаб берди. (йиғилиш баёни 2016 йил 30 декабр) Ўзбекистон Республикаси президентининг топшириқларини бажариш учун Д.Т. Абдукаримовга куйидаги ташкилотлар:-Ўз ПАХТА Акционерлик жамияти, Самарқанд қишлоқ хўжалик институти, Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг 1 сонли академик лицейи, Ветеринария илмий тадқиқот институти. Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий тадқиқот институтиларига маслаҳатчи этиб тайинланганидан кейин, бу кишининг илмий ва педагогик ва ташкилий фаолияти янада фаоллашди. Юқорида қайд этилган муасаса ва ташкилотларда Д.Т.Абдукаримов раҳбарлигида ишчи гуруҳлар тузилган ва ишчи гуруҳлар аъзолари белгилаган вазифаларни ўз вақтида бажаришмоқдалар. Жумладан Д.Т. Абдукаримовнинг ишчи гуруҳ аъзолари ЎзПАХТА ЁҒ АЖ ходимлари билан ҳамкорликда Республикамизни Самарқанд, Бухоро, Навоий ва бошқа вилоятлари фермерларига ноанъанавий мойли экинлар (соя, кунгабоқар ва махсар) агротехнологияси бўйича маърузалар ўтиб келмоқда. Ўтилган маърузалар мавзулари бўйича тавсияномалар ёзилиб қоғоз ва электрон вариантлари тарқатилди ҳамда амалда фермерларга йўл йўриқлар курсатиб ёрдам берилмоқда

Д.Т. Абдукаримов институтда юқори малакали илмий–педагогик кадрлар тайёрлашда ва илмий-тадқиқот ишларини ташкил этишда услубий ва амалий ёрдам бериб келмоқда. Институт жамоаси, шаҳар, вилоят, Республика қишлоқ хўжалик муассасалари, талабалар ва профессор-ўқитувчилар орасида катта обрӯ-эътиборга эга.

Абдукаримов Д.Т. оилали, учта фарзанди бор, икки ўғил, бир қиз, ҳаммаси олий маълумотли, халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Самарқанд ветеринария институти Биотехнология, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси факултети декани, қишлоқ хўжалик **фанлари доктори, Элмуродов А. А.**